

Ishonch

2019 йил 28 ноябрь • пайшанба • № 142 (4271)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz


Тез тиббий ёрдам такомиллашмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳолига шошилич ва тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати, ютуқлар ва муаммолар юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Сўнгги уч йил мобайнида тиббиётнинг ушбу йўналишини ривожлантириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилгани, шошилич тиббий ёрдам тизимида диагностика ва даволаш ишлари жаҳон тиббиёти билан ҳамқадам ривожлантирилаётгани таъкидланди.

Шошилич тиббий ёрдам шифохоналарида суяк синиши ва жароҳатларида янгича жароҳлик ва эндопротезлаш амалиётлари, асаб ва юрак қон-томир тизими касалликларида янгича операциялар, ошқозон-ичак касалликларида юқори технологияли амалиётлар ва бошқа илмий-амалий янгилар инсон саломатлигини асраш ва ногиронликнинг олдини олишда муҳим самаралар бермоқда. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказида трансплантология бўлими ташкил этилиб, ҳозирги кунгача 80 дан ортиқ буйрак трансплантацияси амалиёти бажарилди.

Кенг қамровли ислохотлар натижасида аҳолининг тез тиббий ёрдам хизматида бўлган ишончи ортмоқда, мурожаатлар йил сайин ошиб бораёти. Масалан, таққослаш учун айтилган бўлса, 2016 йилда қақриқлар сони



7,2 миллионни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида эса мурожаатлар сони тўққиз миллиондан ошган.

Шу билан бирга, шошилич тиббий ёрдам хизматининг стационар муассасаларига ҳам мурожаатлар кўпаймоқда. Жумладан, 2017-2019 йилларда ушбу шифо масканларига 7,5 миллиондан зиёд бемор мурожаат қилган. Уларнинг 2,5 миллион нафарига стационар, 5 миллиондан ортигига эса амбулатор тиббий ёрдам кўрсатилган. Стационарда даволанган беморларнинг 500 мингдан ортигига юқори технологияли жароҳлик амалиётлари бажарилган.

Тез ёрдамнинг махсус санитар автотранспорт паркни янгилангани, тизимда call-марказлар ташкил этилиб, у ерда шифокорлар фаолият юритиши, «тез ёрдам» машиналари GPS-мосламалари билан жиҳозлангани халқимиз саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда тизимда икки ярим мингга яқин «Nissan», «Hunday», «Toyota» русумли ва бошқа замонавий тез ёрдам машинаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Айни пайтда тез ёрдам автопаркини янада замонавийлаштириш ишлари тизимли давом этмоқда. 2021 йилгача «Дамас» автомашиналаридан тўлиқ воз ке-

чилиб, халқаро андозалар даражасида жиҳозланган замонавий тиббий ёрдам машиналарига ўтилади. 2019 йил якунига қадар барча тез ёрдам машиналарида қўлай алоқани, қақриқлар учун машинани тезкор йўналтиришни таъминловчи GPS тизими тўлиқ йўлга қўйиш белгиланган. Мутахассислар маълумотларига кўра, 2021 йилгача тез ёрдам тизими халқаро стандартларга жавоб берадиган, замонавий автотранспортларга тўлиқ ўтади.

Моҳигул ҚОСИМОВА,
ЎЗА МҲБИРИ



КУН НАФАСИ




Президент «Замонавий мактаб»ларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чеқди.

Афғонистондан яна 160 дан ортиқ ёшлар таълим олиш учун Сурхондарёга келди.



«Матбуот уйи»нинг аукцион савдоси тўхта-тилди.



Тошкентда МДХ Давлатлараро статистика кўмитаси, БМТ Аҳоли-шунослик жамғармаси (ЮНФПА) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси ҳамкорлигида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда аҳолини рўйхатга олиш: 2020 йил даври» мавзuida халқаро семинар бўлиб ўтди.

«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар залида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўйича «UzAgroExpo - 2019» «UzProdExpo - 2019» XV халқаро кўргазмалари очилди.

ОФК штаб-квартирасида ташкил этилган AFC Referees Memento Award маросимида ФИФА тоифасидаги арбитр Равшан Эрматов расман ҳакамлик фаолиятига яқун ясагани эълон қилинди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати йигирма тўртинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси 2019 йил 30 ноябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 29 ноябрь куни соат 9:00 дан 18:00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойеида рўйхатга олинади.

Тақдимот

Ўзбекистонда янги автомобиль ишлаб чиқарилади

Кеча Тошкентда «SamAuto» компанияси янги автомобиль тақдимотини ўтказди.



Мазкур автомобиль – Isuzu D-Max пикаплари 3 модификацияда ва 7 рангда ишлаб чиқарилади. Йилгига 500 тагача ишлаб чиқарилиши мўлжалланган бу моделларнинг нархлари ўртача 270-380 миллион сўм бўлади. 2020 йил январь ойидан сотувга чиқарилади.

Мазкур автомобиль ҳам йўловчилар, ҳам юкларни ташиниш учун қўлай бўлиб, «универсал дизайн» концепциясини ўзида намоян этган.

Isuzu D-Max пикапи 2002 йилдан буён Япониянинг Isuzu Motors компанияси томонидан дунёнинг кўплаб давлатларида ишлаб чиқариб келинмоқда.

Мамлакатимиз учун Isuzu D-Max учта модификацияда тақдим этилади:

– Икки қаторли кабина, 2 йўловчи ўриндиқ, 2,5 литрли двигател хажми ва механик узатмалар қутиси бўлган D-Max Sahar;

– Бир қаторли кабина, 4 йўловчи ўриндиқ, 2,5 литрли двигател хажми ва механик узатмалар қутиси бўлган D-Max Okus;

– Икки қаторли кабина, 2 йўловчи ўриндиқ, 2,5 литрли двигател хажми ва автоматик узатмалар қутиси бўлган D-Max Irbis.

Пикапнинг юк кўтарувчанлиги 865-1100 кг.га тенг.



Наманган вилояти

Хаётбахш ислохотлар самараси

Пўлат излардаги тезюрар поездлар

Энди Попдан Намангангача тепловозларнинг ёқилги сарфи уч баробарга қисқариб, ҳавога заҳарли газлар чиқиши кескин камаяди

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 октябрдаги «Поп-Наманган-Анджон темир йўл линиясини электрлаштириш» лойиҳасини Осие тараққиёт банки иштирокида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра, шу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хоразм вилояти

Таҳлил

ШИФОКОРДА ҚАНДАЙ ҚАСДИНГ БОР?

Ёхуд таҳдидлар сабаби нимада?

Кейинги вақтда ижтимоий тармоқларда шифокорларга нисбатан кўпол муносабатлар акс этган хабарларга кўп кўзимиз тушмоқда. Хўш, шифокорларнинг жамиятдаги обрў-эътибори тушиб кетишига сабаб нимада?

Бунга касалликлар кўпайиб бораётгани, ҳар бир инсон дардидан бир зумда халос бўлишни истаётгани, шифокорга саломатлик посбони сифатида эмас, шунчаки хизмат кўрсатувчи сифатида қарашлар шаклланаётгани, тиббий хизматлар нархи баландлиги ва бошқа қатор сабабларни рўқач қилиш мумкин.

Тўзсиз, сассиз кўшиқлар

(Эссе)

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Расомларга ҳавасим келади...
Композиторларга ҳам...

Нега дейсизми? Негаки, уларнинг ижодига таржимоннинг кераги йўқ. Уларнинг асарлари ҳамма миллат учун тушунарли. Гап фақат асарнинг савиясида, муаллифнинг маҳоратида.

Кўпдан бери Акмал Нур ижоди ҳақида бирон нарса ёзишни ўйлаб юрардим. Бир неча марта ёзишга ўтирдим. Аммо ҳар гал юрагим бетламайди, чўчийман. Нимани ёзаман, нима деб ёзаман? Менимча, яхши санъат асарлари ҳақида ёзиш қийин. Расмда у нарса тасвирланган, бу нарса ифодаланган дейишнинг нима

ҳожати бор. Уни томошабин шундоғам кўриб туради-ку. Тасвирий санъат ҳақида ёзишдан олдин унда яширинган, унинг замирига сингирилган туб маънони англай олиш зарур. Хусусан, Акмал Нур асарларида ҳам. Бинобарин, мусаввирнинг аксарият асарлари рамзларга қурилган. Эътибор берсангиз, Акмал Нур асарларида нон, олма, анор, балиқ деталлари акс этади, бирида бўртиброқ, бирида орқа планда, бошқасида ёрқин, яна бирида хира-роқ, Лекин бор. Нега? Чунки улар ҳаёт мазмуни, яъни нон – ризқ-насиба, олма – муҳаббат, анор – оила, балиқ – поклик рамзи. Инсон учун, хусусан, ўзбек оилалари учун шулар асосий нарсалар эмасми?! Демак, яхлит ҳолда Акмал Нур асарлари ҳаётнинг матодаги акси – ифодаси. Энг муҳими, мусаввир ишларида бирон-бир образ – у инсон бўладими, бошқа

деталлар бўладими – ҳаётда қандай бўлса, шу таҳлит чизилмайди. Одамларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг юзи деярли тўла тасвирланмайди. Кўпинча ёндан, бир қисми ёки орқасидан кўринади. Булар ўзбек қизлари, аёлларидаги ибод, ҳаё белгиси эмасми! Нақадар чиройли, маъноли ўйлаб топилган, ифодаланган. «Оналик» картинаси. Она боласини эмизяпти. Бироқ на онанинг, на боланинг юзи кўринади. Аммо ёш жуvon бутун меҳрини бериб боласини эмизаётганини, бола мириқиб, маза қилиб эмизётганини ҳис қиласиз. Диққат билан разм солсангиз, фарзандига бутун меҳрини берган, боласи лаззатидан мамнун чехрани тасаввур қиласиз – кўрасиз. Она-бола қувончи, лаззати сизга ҳам юқади.

Келгуси сонларда ўқинг!



«XXI ВАБОСИ»...

Ёхуд кўришмас дард пеканжасидан қандай қутулиш мумкин?



СУВСИЗ ҚАҲРАТОН

Киров босган қишлоқларни оралаб...

ФАОЛИЯТ ҚИРРАЛАРИ ҚИСҚА САТРАЛДАРДА



Тошкент шаҳри

Фан ва ёшлар

Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касаб уюшма қўмитаси ташаббуси билан ЎзФА Ёш олимлар кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида «Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни» мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Унда физика-математика ва техника, табиий ҳамда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари, уларнинг ечимлари, истиқболли режалар, олиб борилаётган илмий ишлар ҳақида маърузалар тингланиб, кенг муҳокама қилинди. Ўз олдимишга қўйётган энг муҳим вазифалардан бири ёшларни илм-фанга кенг жалб этиш, уларнинг янги илмий билимларга бўлган эътибор ва қизиқишини уйғотишдан иборатдир. Бунга эса яхши илмий натижаларни амалиётда қўллаш, тажрибалар алмашуви, маъруза жараёнида юзага келадиган муҳокама ҳамда мунозаралар орқали эришилади, — дейди ЎзФА бирлашган касаб уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев. — Шундай эзгу мақсад қўзланган ушбу илмий-амалий конференция ҳам ёш иқтидор эгаларини кашф этишга ёрдам берувчи янги майдон бўлиб хизмат қилади. Конференция якунида ёш тадқиқотчилар турли номинациялар бўйича ЎзФА бирлашган касаб уюшма қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»

Пўлат излардаги тезюрар поездлар

Намангангача тепловозларнинг ёқилги сарфи уч баробарга қисқариб, ҳавога захарли газлар тарқалиши ҳам камайди. 2021 йилда якунига етказилиши кўзда тутилган ушбу йирик лойиҳа агар тўлиқ ишга тушадиган бўлса, темир йўлда юк ташини айланмаси ва йўловчи ташини ҳажми сезиларли даражада ошади. Фарғона vodiysining асосий шаҳарларини пойтахт ва бошқа вилоятлар билан боғлаб, юк ва йўловчи ташини самарадорлиги кенгайди. Таъкидлаш ўринлики, электрлаштирилган темир йўллар юртимизда ички туризмнинг ривожига ҳам катта ҳисса қўшади. Янги темир йўл линиясининг ишга ту-

шиши водий аҳолисининг қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳат қилишига кенг имконият яратди. Жумладан, жорий йилда вилоятимиз меҳнат-кашларидан 455 нафари қадимий ва гўзал шаҳарларга саёҳатга бориб келишди.

— Энг аввало, одамларимиз фаровонлигини кўзлаб ишга туширилган ушбу электрлаштирилган янги темир йўл линияси арзонлиги, қулайлиги ва тезкорлиги билан барчани мамнун этаётир, — дейди меҳнат фахрийси Абдуваҳоб Қорабоев. — Янги темир йўл бекатидан бошланган саёҳатимиз Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразмга қадар чўзилди. Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат қилиб, катта тассуротлар билан қайтдик.

— Янги темир йўл линияси айнан бизнинг вилоятимиз чегараларидан ҳам ўтганидан фахрга тўласан киши, — дейди Чуст туманидаги 64-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Феруза Маҳмуджўраева. — Энди юртимиз бўйлаб саёҳатга чиқиш имкони янада ортди.

Таъкидлаш жоизки, келгусида мазкур «Поп-Наманган-Андижон» электрлаштирилган темир йўли чет мамлакатларга олиб борадиган янги халқаро транспорт йўлининг муҳим қисми бўлиши ҳам кўзда тутилган.



Орзуғул РУСТАМОВА, «Ishonch»

Касаба уюшмаси аралашгач...

Ферузахон ўз вазифасига қайтди

Ферузахон Мирзаева 2004 йилда Фарғона вилояти кўзи оғир болалар махсус мактаб-интернатига ўқитувчи ёрдамчиси бўлиб ишга кириди. Жамоадаги ташаббускорлиги, жонқурлиги боис, 2010 йилда мактаб-интернатнинг ёшлар етакчиси вазифасига ўтказилди. У бу лавозимда ўзини янада кўрсатади. Она эмасми, 2017 йилда бола парвартиллаш ва туғуруқ таътилига чиқиб кетади. Фарзанди бир ёшга тўлгач, ишга қайтишга қарор қилади ва бу ҳақда иш берувчига мурожаат қилади. 2018 йил 27 февралда чиқарилган буйруққа кўра, ишга қайтади. Фақат аввалги вазифасига эмас, балки ўқитувчи ёрдамчиси этиб тайинланади.

Вазифаси ўзгарганидан норози бўлган Ф.Мирзаева бир неча марта бахрарнинг олдига кириб, аввалги вазифасига қайтаришини сўрайди. Бироқ унинг талаби инробатта олинмасдан қолаверди.

Иш берувчига яқиниб чарчаган Феруза Мирзаева адолат қарор топишини истаб, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилади. Бирлашма ҳуқуқшунослари аризагининг болали уш ёшга тўлган бўлса-да, иш берувчи томонидан ўз иш жойига қўйилмаётганини ўрганишди. Ўрганиш давомида мазкур буйруқ Меҳнат кодексининг 92- ва 234-моддаси талабларига зид равишда чиқарилгани аниқланди. Бирлашма мутахассислари мазкур буйруқни беқор қилиб, Ф.Мирзаевани аввалги иш вазифасига қабул қилиш, шу билан бирга, 2018 йил 27 февралдан 2018 йил 30 июнь кунига қадар ишлаган даври учун ҳисоб-китоб қилиш ҳақида Фарғона туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суд чиқарган ҳал қилув қарорига кўра, Фарғона вилояти кўзи оғир болалар махсус интернати томонидан 2018 йил 27 февралда чиқарилган буйруқ фойдаланиш деб топилди, Ф.Мирзаева аввалги иш вазифасига қайтарилиши шартли. Шунингдек, унинг фойдасига 7 миллион 642 минг 487 сўм иш ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилиниб, ундирилди.

Авазхон Тўраҳўжаев, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юристконсулти

ШИФОКОРДА ҚАНДАЙ ҚАСДИНГ БОР? Ёҳуд таҳдидлар сабаби нимада?



Ушбу сабабларни таҳлил қилиб кўрсак, уларнинг ҳаммасида ҳам шифокор айбдор эмаслигини кўраемиз. Қолаверса, мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш сифати жуда ҳам паст эмас. Оқдўра қишлоқ шифохоналарини олайлик. Ушбу муассасаларда тор соҳа мутахассислари фаолияти йўлга қўйилгани, шаҳар поликлиникаларида «электрон поликлиника» тизими жорий қилинган, патронаж хизмати такомиллаштирилгани, оммавий тиббий кўриқлар уюштириш аънаънага айланган, республика тиббиёт муассасаларининг етуқ мутахассислари чекка қишлоқларга ташриф буюришаётгани, соғлом турмуш тарғиботи кучайтирилаётгани, болалар ва ўсимирлар турли касалликларга қарши бепул эмланаётгани ва бошқа бир қатор саъй-ҳаракатлар айнан халқ саломатлигини мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадамлардир.

Биз эса буларни тан олишни истамаймиз. Ижтимоий тармоқларда бирон шифокор бемор ҳаётини сақлаб қолгани ҳақида хабар бир йилда бир-икки марта тарқалиши мумкин. Шунда ҳам кўпчилик нима қилибди, иши шу, қабилида муносабат билдиради. Аслида, ҳар кун юзлаб шифокорлар минглаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолади. Бунга ҳам «иши-ку» қабилида қараймиз. Биттаси вазифасини лозим даражада бажармас, барча интернет нашрлар, ижтимоий тармоқлар жар солади. Битта-иккита ходимни деб

дан қутулди, фақат ўзларининг ишлари билан машғул бўлмади. Яқинда тиббиёт муассасаларидан бирида бўлганимда, меҳнат инспектори муассасада ўтказган мониторинг хулосаларидан сўнг, бош шифокорни жаримага торганидан хабар топдим. Сабаби, ходимлар тиббий текширувдан ўтишда чиқимдор бўлган.

Касаба уюшмалари ушбу муаммони бир неча йилдан буён кўтариб келмоқда. Ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатаётган муассасаларнинг айримларида муаммо секинлик билан бўлса-да ўз ечимини топмоқда. Бироқ, ходимларнинг ойлик маошини ўнчалик катта бўлмаган, аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатидиган бирлашма тиббиёт муассасалари учун молия идоралари ходимлар тиббиёт кўригига пул ажратмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Иш ҳақи кам бўлган кичик тиббиёт ходимлари (фаррошлар) учун пуллик

ёқув машғулотлари йўлга қўйилганига нима дейсиз? Камдан-кам муассасаларда тиббиёт ходимлари махсус кийим-кечак билан бепул таъминланади. Айрим тиббий воситаларни ўз ҳисобидан олаётганлар ҳам йўқ эмас.

Бу масалаларни қайта-қайта кўтариб чиқаётганимизга қарамасдан, мутасаддилар уларга ечим топишни истамайяпти. Аслида, ечимини топишга ҳожат йўқ. Ҳаммаси қонунларда акс этган. Фақат ижросини таъминлаш керак, холос.

Яқинда қонунчиликдаги янги меъёрларга биноан шифокорларга нисбатан таъйиқ ўтказганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши ҳақида ўқиб, тўғриси, мамнун бўлдим. Бироқ, фақат қонун қабул қилиш орқали муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Одамларда шифокорга нисбатан ҳолис муносабатни шакллантиришдан уларнинг эл орасидаги обрўсини ошириб бўлмайди.

Рашид Йўлдошев, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Қашқадарё вилояти


Фаолиятда яқдиллик бўлса...

Қарши шаҳрида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, меҳнат, молия бошқармалари ва бошқа давлат бошқарув органлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш ҳудуди Давлат дастурининг ҳудуд бажарилишининг дастлабки натижалари, аҳоли бандлигини таъминлаш ишларини ва меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш масалалари, бюджет ташкилотларида иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш масалалари, шунингдек, касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузилган минтақавий келишувнинг бажарилиши ҳақидаги маърузалар тингланди.

Айша САФАРОВА

Жиззах вилояти



Саёҳат таассуротлари

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зомин тумани кенгаши соҳа ходимларини саёҳатга олиб боришни аънаънага айлантирган.

— Тизимдаги ишчи-ходимларнинг Жиззах вилоятидаги «Хўжайи Сероб», «Кўк тўнли ота», «Садр-Ваққос» қадамжоларига саёҳатлари уюштирилаётир, — дейди кенгаш раиси Бахтиёр Жонтурсунов. — Қисқа муддатда ушбу зиёратгоҳларга 1135 нафар фуқарони саёҳатга олиб бордик. Шу билан бирга, уруш ва меҳнат фахрийларининг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига саёҳати ҳам ташкил этилмоқда.

Абдусаттор СОДИҚОВ

Самарқанд вилояти

Шу йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик бошланиши олди-дан Самарқанд шаҳридаги 1065 та кўп қаватли уйнинг техник ҳолати хатловдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан 353 та кўп қаватли уйда таъмирлаш ишлари режалаштирилган эди.

Расмий маълумотларда ҳозиргача 300га яқин уй Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармасининг 71,1 миллиард сўм маблағи ҳисобидан таъмирдан чиқарилгани акс этади. Бу кўнча шаҳар аҳоли учун катта янгилик эди. Хусусан, шаҳарнинг «Сўғдиёна» мавзеси «Машъал» маҳалласида яшовчи аҳоли учун ҳам.



ҚИШГАЧА БОРМАГАН ҚУВОНЧ...

Ёҳуд қурувчиларнинг асл мақсади нима эди?

Негаки, шу вақтгача кўп қаватли уйда яшовчилар, иситиш тизимини қўя турарлик, қачон иссиқ сув келганини ҳам эслашолмасди-да. Яқинда маҳалла аҳлининг мурожаати сабаб ушбу масканда бўлди. Ҳудуддаги уй-жой ширкати раҳбари Абдумалик Урозов 12 та кўп қаватли уйлар жамғарма маблағлари ҳисобидан таъмирдан чиқарилганини билдирди. Мазкур уйлардаги бунёдкорлик ишларини 8 та қурилиш ташкилоти амалга оширган. Қурувчи бўлмасак-да, 8 ташкилот бу вазифани удалашга саккиз хил ёндашганини қузатдик. Кимдир ўз вазифасини виждонан бажарган, кимдир «хўжакўрсин»га. Хусусан, тўққиз қаватли 17-уйни таъмирдан чиқарган «Ғиёс ҳамкор қурувчи» ташкилоти алоҳида «ҳамд-у санолар» айтмоқда.

— Кўп қаватли уйда 15-16 йилдан буён таъмирлаш ишлари бажарилганини эслай олмаيمиз, — дейди 17-уйга мутасадди қилиб белгиланган

Татьяна Шукурова. — Аммо қурувчилар ишларни сифатсиз ва чала қилиб кетишди. Ҳатто, уй томининг бир қисми ёпилмасдан қолди. Энди энг юқори қаватдагилар шу изгирилли кунларда чаккидан азият чекишмоқда.

Жамғарма маблағи ҳисобидан кўп йил ишлаган лифт ҳам ишга туширилган. Аммо бу юмушнинг «Лифт таъмир» ДУК чала бажарган. — Лифт ишга тушди, дея суйингандик, — дейди 71 ёшли Насим Ҳазратқулов. — Аммо унинг ишлаб турганидан ишламаган кунлари кўп бўлмоқда. Боз устига, у «экспресс» чиқиб қолди: Ҳамма қаватларда тўхтаб одам олавермайди. Масалан, бизнинг қават лифт хизматидан фойдалана олмайдимиз. 6-қаватда яшовчи кекса аёл Мунира опа ҳам худди шундай ҳолда. Назаримда, таъмирчиларнинг мақсади аҳолига қулайлик яратишдан кўра, давлат маблағларини ўзлаштиришга қаратилганга ўқшади.

Шу уйда яшовчи Очил ака ниҳоятда хуноб. Бойси, кўп қаватли уйдаги барча иситиш тизими қурувлари алмаштирилса-да, айнан унинг хонадонидидаги бир хона қурувчилар назаридан қолиб кетибди...

Бир ҳовлидаги ёндош 5 қаватли бино ҳовлисидаги ўриндиқлар алмаштирилиб, ёритиш тизими таъмир-

ланган бир шароитда 17-уй атрофида на ўриндиқ, на чиқинди кутиси, на кўча ёриткичи ўрнатилган.

— Уйлар таъмиридаги камчиликлар ҳақида мутасаддиларни хабардор қилдик, — дейди уй-жой ширкати раҳбари Абдумалик Урозов. — Улар бартарфат этиладиган бўлди. — Энди хонадонларни иситишда аҳвол ўзгардими? — сўраймиз ундан. — Кўп қаватли уйлардаги қурувлар алмаштирилгани билан иссиқлик беришининг имкони йўқ, — дейди А.Урозов. — Бойси, марказий қозонхона таъмирталб, марказлашган тизим ишдан чиқиб бўлган, қурувлар чириган. Шу боис, аҳоли бу йилги қиш мавсумига ҳам чидаб бериши керак бўлади.

...Бу Самарқанд вилоятини ободонлаштириш ва фаровонлигини ошириш жамғармаси маблағларини йўналтирилиб, бу йил таъмирлаш ишлари бажарилган ҳудуддаги аҳволдан бир шингил. Начора, қувончи қишгача борман уй аҳлига сабр тилаймиз.

Мутасаддилар... Балки, улар бу ҳолатларга изоҳ беришар...



Нурилла ШАМСИЕВА, «Ishonch»

Оғриқ тишлар...

Дарсликдаги хатолар

ёхуд муаллифларга эътирозимиз бор...



Навоий вилояти

Умумтаълим мактаблари учун тайёрланган кимё, физика фанлари дарсликларидики кўп хатоларни мавжуд. Дарсликлардаги аксарият маълумотлар эскириб кетган ва бугунги кун талабига жавоб бермайди.

ган «Фарадейнинг 2-қонуни» 9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган кимё фани дарслигидан фарқли бўлиб, бу муаммо ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қийнамоқда. 6-синфнинг физика фани дарслигида табиатда 88 та элемент бор дейилган бўлса, бу рақам биология дарслигида 70 та, кимё дарслигида 118 та деб кўрсатилган. Булар сиз-у биз ишонадиган олимларимизнинг кечириб бўлмайдиган жуда катта хатолари саналади.

Дарсликларни тезда қайтадан кўриб чиқиш, хато ва камчиликларини тўлдирish лозим. Бунга нафақат профессорларни, балки умумтаълим мактабларида дарс берадиган оддий ўқитувчиларни ҳам жалб этиш керак. Яъни, амалий педагогика билан назарий педагогикани яқинлаштириш зарур.

Муштариий тақлиф йўллади

Дўстмурод ОЧИЛОВ,

Кармана туманидаги 21-умумтаълим мактабининг физика ва кимё фани ўқитувчиси

Табиатда нечта унсур бор?

Физика фанида – 88 та, биология дарслигида – 70 та, кимёда – 118 та. Қай бирига ишонайлик?..

Шуниси аянчлики, 9-синф физика дарслигида берилган «Авогадро қонуни» 7-синф ўқувчилари учун тайёрланган кимё фани дарслигидики «Авогадро қонуни»га мутлақо мос келмайди. Ўқувчи ва ўқитувчилар уларнинг қайси бирига ишониши керак?

Фикримга шубҳа қилувчилар бўлса, бемалол шу қорунга асосланган тўпلامдаги 2-боб 168-масалага эътибор қаратишлари мумкин.

Бундай хатолар физика фани дарсликларидики ҳам учрайди. Масалан, 8-синф физика дарслигида берил-

Қашқадарё вилояти

Мактабда бошланғич синф ўқувчиларига дарс бераман. 22 йиллик меҳнат стажим бор. Унга асосан айтишим мумкинки, ҳамма ўқувчи дарсни бир хил ўзлаштиролмайдими. Бугун мен ва мен каби педагогларни қийнаётган муаммо ана шу жараёнга бевосита боғлиқ бўлган дарсликлар ҳақида...

Масалан, 3-синф математика фани режасини тузиш учун қўлимизга дастур келди. Унда назорат ишлари учун жуда кам соат ажратилган. Яъни, йиллик 170 соат дарсдан 10 соати назорат иши учун. Бу жуда кам... Бир синфда 22 нафар ўқувчи ўқиса, шуларнинг 15 нафари яхши ўзлаштирадиган, қолган 7 нафари эса ўзлаштириши суст ўқувчилардир. Биргина математика фанини олсак, ўқувчилар билан асосий

«Параллелепипед»ни излаб...

Ўқувчининг миясини чарчатишдан нима наф?

сабоқлардан ташқари, ҳафтада уч кун беш соатдан қўшимча равишда ишлаймиз. Шундай қилмасак, улар берилган мавзуларни ўзлаштира олмайдими. Чунки ҳар соатда янги мавзу ўтиляпти. Дарсликда бу мавзуларни мустаҳкамлаш учун мавзулар ажратилмаган.

Мисол учун, 3-синф ўқувчиларига 17 сентябрь санасида «Комбинаторлик масалалар» мавзусини ўтгандик. Мана, ноябрь ойи тугаяптики, ҳали бирор марта шунга ўхшаш масала кўрмадим. Ёки бир масалада «параллелепипед» ҳақида машқ берилган. Аммо шу синф дарслигида у ҳақида маълумот йўқ. Биз нима қилдик? Юқори синфлар учун мўлжалланган «Геометрия» дарслигидан «параллелепипед» қоидадини топиб, ўр-

гатдик. Аммо «параллелепипед» ҳақидаги мисоллар ҳам давомли эмас. Шу биргина мисол учун боланинг миясини чарчатишдан нима наф? Қаранг, бола олган янги тушунчани мустаҳкамлашдан навбатдаги мавзулар қўйилган ва ўқувчи дарсликни яхши ўзлаштиролмай қолмоқда. Демак, дарсликларни қайта ишлашда бу жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Биз ўқитувчилар ўқувчиларнинг дарсларни пухта ўзлаштириши тарафдоримиз. Аммо дарс мавзуларининг ўта мураккаблашиб бораётгани ва мавзунини мустаҳкамлаш учун давомли машқлар берилмаётгани, узвийликнинг йўқлиги педагоглар ва ота-оналарни ташвишга солмоқда. Унутмаслик керакки, ўрта мак-

табларда ҳамма ўқувчи ихтисослаштирилган мактабларга саралаб олинган ўқувчилар сингари бирдек иқтидорли эмас. Ўрта мактабларда ўзлаштириши паст болалар ҳам бор. Масаланинг ана шу томони ҳам, албатта, инobatта олиниши зарур.

Шундай экан, дарсликларни тайёрлаётган ва ўқув дастурлари тузаётган олимларимиз жараёнларнинг асосий эгалари бўлиши биз ўқитувчилар билан фикрлашиб, қўлланмалар тайёрлашса, ўқувчиларга берилаётган сабоқлар беиз кетмасиди?..

Гулбаҳор ҚАРШИЕВА,

Қасби туманидаги 58-умумтаълим мактаби бошланғич таълим ўқитувчиси

Нуқтаи назар

Масалан, уни 5 фоиз дейдиган бўлсак, нарх-навонинг легаллашуви шу фоизларга монанд бўлади.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ АСОСИДА

Хўш, бу қандай омиллар асосида амалга оширилади ёки назорат қилинади? Бу савол кўпчиликда туғилиши табиий. Унга эса қуйидагича жавоб олинди:

– Марказий банк томонидан бажариладиган амалиётлардаги пулнинг бозор нархи, шу орқали талаб ва тақлифни тартибга солиш таргетлашнинг туб моҳияти ҳисобланади. Масалан, қайси бир ҳудудда ёки банкда пул етишмапти? Келган сигнал асосида пул тақлифи бозор нархи билан Марказий банк пул чиқаради. У қорғоғида эмас, балки, таргетлаш режимида белгиланган қоридордан чиқарилади. Шу тарихи Марказий банк бозорга бир кунлик, бир ҳафталик ёки узоқ муддатга мўлжалланган доимий операцияларни бемалол амалга оширади ва нақд пулнинг нархи белгиланган даражада ушлаб турилади. Бу, ўз навбатида, молиялаштириш ставкасига ҳам таъсир кўрсатади ва узоғи билан олти ойдан сўнг қайта молиялаштириш ставкаси пасая бошлайди.

САМАРАНИ КУТАМИЗ...

Мутасаддиларнинг қайта-қайта таъкидлашича, жорий этилаётган янги усул аҳолига қулайлик келтиради. Соддароқ айтганда, сўмнинг қадри тикланади ва йилдан йилга ортиб боради. Натигада нақд пулларни хорижий валюта кўришида сақлашга ҳожат қолмайди. Хар ҳолда, мутасаддилар шунга ваъда беришяпти. Бу гаплар амалиётга нечоғли мос келишини эса, албатта, вақт кўрсатади...

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,

«Ishonch»

«Ishonch»га жавоб берадилар

Газетанинг шу йил 2 ноябрдаги сонидики чоп этилган «Антиқа ташаббус» сарлавҳали мақолага Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси шундай жавоб йўллади:



Камчиликлар тузатилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июлдаги «Автомобиль йўллари инфратузилмасини янада ривожлантириш ва йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридики йўл ҳаракати иштирокчиларини йўналиш бўйлаб сифатли навигация билан таъминлайдиган йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини, шу жумладан, чет тиллардаги йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларини етарли миқдорда ўрнатиш орқали «гапирадиган йўл» принципи бўйича йўл ҳаракати иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш вазифаси белгиланган. Ушбу қарор асосида 2019–2023 йилларда йўл белгилари ишлаб чиқариши ва уларни республика автомобиль йўлларига ўрнатиши, йўл устига чидамли чиқиқлар тортиши ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланган.

Дастур параметрларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини сўзсиз таъминлаш учун шаксий жавобгарлик Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг раиси, Молия вазири, Ички ишлар вазири, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юкланган.

Шунга қўра, жорий йилнинг апрель ойида «Андижон вилоятининг Андижон шаҳрида «Намунали худуд» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар бўйича йўл харитаси» ишлаб чиқилган ҳамда Андижон вилояти ҳокими, Андижон вилояти ИИБ бошлиғи, Андижон вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланган. Ушбу «Йўл харитаси»да «Тунги вақтларда пиёдаларга ҳамда ҳайдовчиларга қулайлик яратиш мақсадида йўлларга ёниб турувчи (диодли) йўл белгиларини ўрнатиш, шунингдек, барча йўл белгиларини тафтишдан ўтказиб, эскирганларини алмаштириш чораларини кўриш» вазифаси белгиланган.

Халқ депутатлари Андижон шаҳар Кенгашининг «Андижон шаҳрида аҳоли ўртасида жиноятчиликнинг барвақт ол-

дини олиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 145/37-5-сонли қарори имзоланган. Бу қарорда ҳам «Намунали худуд» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгиланган.

Уларга асосланган ҳолда Андижон шаҳрида ёниб турувчи (диодли) йўл белгилари ўрнатишмоқда. Бу «Uzavtoyo'lbelgi» давлат унитар корхонаси ишлаб чиқараётган йўл белгилари яроқсиз ёки улардан фойдаланилмайди, дегани эмас.

Ёниб турувчи (диодли) йўл белгилари эса уларга қўшимча равишда «Йўл харитаси» ва Халқ депутатлари Андижон шаҳар кенгашининг тегишли қарорлари талабларини бажариш юзасидан ўрнатишмоқда.

Ёниб турувчи (диодли) йўл белгилари ҳаракат иштирокчиларига халақит бермайди. Аксинча, узоқдан кўриниши билан ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширади. Рақамлар тилида айтиладиган бўлсак, ўтган йилнинг 10 ойида Андижон шаҳри худудига 123 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 10 ойида 104 га тенг бўлди. 2018 йилнинг 10 ойида пиёдалар иштирокида 96 та ҳолат қайд этилган эди. Жорий йилнинг 10 ойида бу кўрсаткич 93 тани ташкил этди.

Мана шу рақамларнинг ўзи ҳам жорий этилаётган янгиликнинг самарасини ҳамда фойдасини кўрсатиб турибди. Келтирилган рақамлар оддий рақамлар эмас, уларнинг ҳар бирининг ортида инсон ҳаёти турибди. Мамлакат миқёсида ҳаракатланиш хавфсизлиги йўналишида чиқарилаётган қорунлар, қарорларнинг асл мазмун-моҳияти шунга қаратилган. Йўл ҳаракати хавфсизлигининг асосий вазифаларидан бири ҳам айнан инсонлар ҳаёти ва уларнинг мол-мулкларини муҳофаза қилишга йўналтирилган.

Мақолада келтириб ўтилган ҳолатлар, камчиликларни бартараф этиш, жумладан, электр симларининг хавфсизлигини таъминлаш масаласида Андижон вилояти ИИБ ЙХҲБга тегишли кўрсатмалар берилди. Камчиликлар қисқа фурсатларда бартараф этилади.

Бош бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари

Р.ЮНУСМЕТОВ

Стипендияга маблағ етарли



Газетанинг шу йил 12 ноябрь сонидики эълон қилинган «Стипендия қачон берилади?» сарлавҳали мақолага Молия вазирлиги қуйидагича муносабат билдирди:

Жорий ўқув йили учун республика олий таълим муассасаларига бюджетдан ажратиладиган маблағлар, шунингдек, тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича бюджетдан ташқари маблағлари параметрлари «Бюджет тўғрисида»ги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган. Бунда олий таълим муассасалари талабаларига стипендия тўловлари учун маблағлар ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, маблағ етишмаслиги юзасидан Молия вазирлигига murojaat бўлмаган.

Амалдаги тартибларга қўра, олий таълим муассасаларига талабаларга стипендиялар тайинлаш олий таълим муассасасининг ректори тасдиқлайдиган стипендия комиссияси томонидан амалга оширилади.

Вазир ўринбосари Ш.ШОРАҲМЕДОВ



Тадбир

Бухоро вилояти божхона бошқармаси коррупцияга қарши курашиш мақсадида тизимдаги ходимлар учун ўқув тадбири ўтказди.

КОРРУПЦИЯ – жамият кушандаси

Тадбирда коррупциянинг тарихи, илдиизи, унга қарши қўлланган жазо турлари, шу билан биргаликда ҳозирги замонда дунё мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар, қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Унда таъкидланганидек, ҳар бир ходим коррупцияни миллий-маънавий тараққиётнинг кушандаси сифатида билиши, унга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши лозим.

Тадбир давомида вилоят божхона бошқармасининг коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилаётган ишлари ҳам сарҳисоб қилинди.

Жавоҳир ИСМОИЛОВ, Бухоро вилояти божхона бошқармаси божхона хизмати инспектори

2020 йилдан бошлаб, мамлакатимизда пул-кредит сиёсатини юритишда ҳамда инфляция даражасини белгилашда мутлақо янги режим иш бошлайди. Ушбу янги йўналишга қўра, 2021 йилга келиб, инфляция даражаси 10 фоизга пасайиши, 2023 йилга келиб эса 5 фоизлик доимий кўрсаткичга эришилиши кутилмоқда. Бу ҳақида Марказий банкда бўлиб ўтган матбуот анжуманида хабар берилди.

Қайта молиялаштириш ставкаси олти ойдан сўнг... пасаяди(ми?)

Бир қарашда бунга ишониш қийин. Хар ҳолда қарийб ўттиз йил давомида 10-15 фоиздан пастга тушмаган инфляция даражасини бир-икки йилда 5 фоизга тушириш булутсиз осмондан ёмғир куттишдек гап гўё. Қолаверса, бизда юқорига кўтарилган нарса ҳеч қачон пастга тушмаган. Бунга ҳам амалиётда гувоҳ бўлиб турибмиз.

Хўп, бир-икки йилдан сўнг мутасаддилар айтганидек инфляция даражаси 5 фоизга тушди ҳам дейлик. Хўш, бунини мутасаддилар қандай амалга оширолмоқчи? Унинг аниқ механизми ишлаб чиқилганми? Умуман олганда, бу жараённинг ижобий ва салбий томонлари инobatта олинганми?

ШУ ДАВРГАЧА БИЗДА ПУЛНИНГ НАРХИ НАЗОРАТ ҚИЛИНМАГАН

– Инфляция таргетлаш 2020 йил ва 2021–2022 йилларга мўлжалланган асосий йўналишларимиздан бири, – дейди Марказий банк бошқаруви раиси Мармаризо Нурмуродов. – Мазкур йўналиш Президентимизнинг 2019 йил 18 ноябрдаги «Ин-

Бир-икки йил ичида ГАЗ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, ИССИҚ СУВ, СОВУҚ СУВ каби коммунал тўловларда ҳам нарх-наво легаллашди. Лекин бу жараён аҳолининг даромадлари инobatта олинган ҳолда амалга оширилади. Яъни бозорда хар бир пулнинг нархи бўлгани каби унинг ўзига хос баҳоси ҳам бор. Масалан, уни 5 ФОИЗ дейдиган бўлсак, нарх-навонинг легаллашуви шу фоизларга монанд амалга оширилади.


ЛЕГАЛЛАШГАН НАРХ-НАВО НИМА БЕРАДИ?

Тушуниладикки, мазкур жараёнга нарх-навонинг легаллашуви орқали ўтилади. Шунини инobatта оладиган бўлсак, бундан аҳоли зарар кўрмайдими? Бу саволимизга қуйидагича жавоб олдик:

– Бир-икки йил ичида газ, электр энергияси, иссиқ сув, совуқ сув каби коммунал тўловларда ҳам нарх-наво легаллашди. Лекин бу жараён аҳолининг даромадлари инobatта олинган ҳолда амалга оширилади. Яъни бозорда хар бир товарнинг нархи бўлгани каби унинг ўзига хос баҳоси ҳам бор.



«1 Бир неча йил олдин нашр этилган «Акмал Нур образлари дунёси» альбом-каталогини қайта-қайта ва рақалаймиз. (Альбом-каталогга ёзилган каттагина сўзбошини атайин ўқимамиз, чунки унга эргашиб кетишдан ҳадиксирадими.) Аксарий картиналарга узок-узок термуламан, уларда яширинган сир-асрорларни, маъно-мазмунни англашга, тушунишга ҳаракат қиламан. Баъзи суратларга соатлаб термулиб қолганимни ўзим ҳам билмай қоламан. «Куш тили» деган картина бор. Юзаки қараганда ундан бирон нарсани англаш қийиндай. Лекин бутун вужудингизни кўзга айлантириб кузатсангиз... Э-ҳе, нақадар кенг олам, бунчалар кўп маъно муҳассам этилганга ақл лол қолди. Лоқал, неча хил ва умуман неча куш тасвирланган, деган жўнгина саволга жавоб топиш ҳам амри маҳол. Мен ҳам ўзимча унча-мунча кушларни биламан, деб юрардим. «Куш тили»га қараб уялиб кетдим. Кушлар ҳақида деярли ҳеч нарсани билмас эканман. Энг муҳими, картинага ўн-ўн беш дақиқа диққат билан, бутун атрофни унутиб термулсангиз ўша кушлар сайрай бошлайди, уларнинг овозини эшитасиз, ажиб бир симфония янграйди. Бир гал расмга қараб қулоқларимни беркитдим, кушлар овози эшитилмай қолди, сўнг бирдан икки қулоғимдан қўлимни олдим, назаримда олдимда – альбомда эмас, бутун атрофимни турли-туман кушлар босиб кетгандай туюлди. Ва бу овозлар шу қадар ёқимли, сеҳрли эдики, мен



Акмал Нурнинг «Кетмон» деган асари бор. Эр, хотин ва бола. Аёл олдинда, ўртада

эди ҳалқимизни. Шу боис, ҳозир ҳам кетмонни кўрсам елкаларим зирқираб кетади, қўлларим оғриydi. Бу картинага қараб туриб шу кўйга тушдим. Лекин... Лекин ўзбек ҳеч қачон кетмондан воз кечолмайди. У керак, ҳаммиша зарур асбоблардан. Чунки кундалик майда-чуйда ишлардан ташқари ҳар бир инсон сўнги сафарига, яъни, фаний дунёдан боқий дунёга кетмон билан кузатилади. Кетмонсиз, кетмончисиз иш битмайди. Акмал Нурнинг «Кетмон»ига қараб ана шулар ва яна бошқа жуда кўп жараёнлар, яхши-ёмон воқеалар ўтди ҳаёлимдан. Дарвоқе, ҳаёт тошлари хусусида. Улар ҳамма соҳада бор ва керак. Оёғимизга тош ботмас ҳушёр ва сергаҳ бўлмаймиз. Шу боис, доимо уйғоқ ва курашган руҳда юрамиз. «Риёзат чекмагунча ёр васлига етиб бўлмас», дейди Машраб. Тўғри, Машраб илоҳий муҳаббатни куйлаган. Аслида, ҳамма нарсани илоҳдан эмасми? «Севги ҳам Одам Атодин қолган инсон қонида» (Эркин Воҳидов). Демак, Оллоҳ буюрса, нисиб этса, висолга эришади севишган-


мунаввир Яратганнинг ўзи, ҳамма нарсани мукаммал яратиб қўйган» (Акмал Нур). Муҳаббат мавзуси Акмал Нур ижодда етакчи ўрин эгаллайди. Аммо бу мавзу ҳам бошқа мавзулар сингарии очик ифодаланмайди. Ҳаммаси пинҳона, рамзлар орқали тасвирланади. Мусаввир асарларида тасвирланган қизлар образи бир жойга жамланса, юртимизнинг энг гўзал, сарвкомат қизлари тўплангандай таассурот қолдиради. Улар бири-бирдан гўзал, бири-бирдан ибодли, ҳаёли. «Нигоҳ», «Мафтункорлик», «Соғинч», «Сайроқи куш учиб келди», «Севги ифори» сингарии асарларидаги қизларни кўринг, нақадар гўзал, қараб тўймайсиз. «Нигоҳ»да қиз юзининг яри, битта кўзи тасвирланган. Шунинг ўзида қиздаги уятчанлик, ўзбекона ҳаё бўртиб турибди. Мен картинага термулиб турибман-у узоклардан машҳур ҳофиз Шерали Жўраев ашуласи қулоғимга чалингандай бўлди: «Ширин жоним фидо бўлсин ўшал бўйлаб қарашларга»... Она, онаизор. Энг гўзал инсон ким – Она, энг меҳрибон ким – Она, энг чиримли зот ким – Она, энг бедор одам

майди. Бундай фикрни ҳаёлига ҳам келтиролмайдими. Гуё ота-онамиз мангу яшайдигандай. Лекин биламиз, ақлан биламиз бундай бўлмаслигини... Биласан-да ўйлашдан қўрқамиз. Ана шу туйғу туйғули онамизга вақтида керакли меҳрни бера олмаймиз. Ҳали улгураман, деб ўйлаймиз шекилли-да... Эссиз... «Онаизор» кўрғазмаси (ундан бир юз элликка яқин асар ўрин олган) «Она» картинаси билан бошланган ва кўрғазма сюжетига тўғри ечим топилган. Она ҳассага таяниб ўтирибди. Тун, осмонда ой. Бутун борлиқ уйқуда. Ҳатто ёнидаги ит ҳам ухлаб қолган. Аммо онанинг кўзлари фарзанди йўлига термулган. Ҳаётнинг оқ-қора ранглари, ёруғ ва булутли кунлари, баланд-пастликлари ақл этган.

вақтларда ишламади, қаерда эди шу доно фикрлар! Нима учун инсон боласи бундай яралган? Қанча-қанча вақтлар керакли-кераксиз гурунлар-у машаққат билан лақиллаб ўтиб кетмадими? Ўтиб кетди, ҳаммаси ўтиб кетди! Онаизор ҳам... Афсус, минг афсус. Эндиги афсусдан нима фойда?... Мана санъатнинг кучи, қудрати. Уни кўрган томошабинлардан кимдир хулоса қилса, хусусан, ота-онасини тез-тез зиёрат қилмай юрган бўлса-ю асарни, умуман, кўрғазмани қўриб, фикри ўзгара, эртагаёқ онаси олдига югурса... Қани шундай бўлса, шунақалар кўпайса... Мен ишонман шундай бўлишига, албатта бўлади. Кўрғазма асосан хотин-қизларга бағишланган. Кўрғазманинг прелюдиясида ажиб бир янгилик кашф қилинган. Оқ-қора палитраларга турли даврда ўтган турли миллат шоирларининг она ҳақидаги шеърларидан сатрлар битилган. Абдулқосим Фирдавсийдан тортиб Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфию Омон Матжонгача бор. Бу палитралар юқорида қараб рангги ўзгариб боради. Яъни, шеърларда таърифланган она сиймолари, уларнинг фазилатлари матога кўчади. Палитралар кўйилган доира ўртасида ойнаванд палитра кўйилган. Эгилиб унга қарасангиз, юқорида қараб тизилган палитраларнинг аксини кўрасиз. Бу худди мусаввир қалбининг ифодасига ўхшайди. Жуда оригинал ечим. Оффарин! Ушбу кўрғазмани, умуман, Акмал Нур ижодини кузатиб, бир хулосага келганман. Акмал Нур кўзи кўрган нарсаларни кўнгли қандай кўрса, қандай қабул қилса, худди ана шундай тасвирлайди. Зеро, кўнгли кўзи кенгроқ, тарафдор кўради оламни. Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгли, деб бекорга айтилмаган. Мен кўзларимни юмиб, кўнглим кўзлари билан Акмал Нур ижодига назар солдим. Уларни бирма-бир тасаввур ва таҳлил қилишга уриндим. Улар менга сўзсиз, сассиз қўшиқлар бўлиб кўринди. Ва уларнинг садосини эшитаман, мириқиб тинглайман... Сизга ҳам тавсия қиламан. Маза қиласиз... Булар Акмал Нур ижоди ҳақидаги меннинг қарашларим, меннинг фикрларим. Сизники бошқачадир... Шундай бўлиши табиий. Зотан, мукаммал картина ҳақида тугал фикр айтиш қийин, умкин ҳам эмас. Ва аминманки, муайян вақтлардан кейин бу асарларни қайта томоша қилсам, яна янги-янги қирралари намоён бўлади, бўлаверади. Ҳақиқий санъат асарининг умри боқий бўлишининг сирини ҳам шунда...

Сўзсиз, сассиз қўшиқлар

(Эссе)



бундай мўъжизакор оҳанглари «Чўли ироқ»ни, «Тановар»ни, «Дилхирож»ни, Мирсодиқ Тожиёв симфонияларини, Улугбек Мусаев балетларини тингланганда эшитганман ва лол қолганман, санъатнинг сеҳри ва қудратига тан берганман. «Куш тили» ҳам мени шу кўйга солди.

нинг тоши оғир деса, бошқасига бунинг тоши енгил, дейди. Хуллас, тош билан боғлиқ мақоллар, иборалар кўп. Қолаверса, бу ҳаёт ҳар доим ҳам бир хил силлиқ кечавермайди, унинг тиконлари ҳам, тоғ-у тошлари ҳам – ҳаммаси бор. Бахтли ҳаётга эришиш учун ўша чағир тошларни ҳам босиб ўтишга, бу тошлар оёқни, наинки оёқни, юракларни ҳам оғиратади, қавартиради, шуларга чидашга тўғри келади.

Мусаввирнинг «Кетмон» деган асари бор. Эр, хотин ва бола. Аёл олдинда, ўртада



бола, ортада ота. Боланинг қўлида егулик солинган кичкина тугунча. Отанинг елкасида кетмон. Кетмон жуда катта ва залворли. Катталигидан отанинг бошини тўсиб қўйган, оғирлигидан елкаси букчайган. Улар жимгина одимлайди...

Мен расмга қараб ўтирарканман, болалик йилларим кўз олдимда намоён бўлди. Ўтган асрнинг олтимишинчи-етмишинчи йилларидаги ўқувчилар дарсдан кейин бир бурда нон еса еб, бўлмаса, оч-наҳор колхозчилар қатори далага ишга чиқарди. Ҳар бир уйда икки-учтадан кетмон бўларди катта-кичи. Усиз тирикчилик йўқ. Ҳовлида ҳам, колхоз даласида ҳам кетмон ишлатилар эди. Кетмон эзиб ташлаган


лар. Фарзанд муҳаббат меваси, деймиз. Бу «мева»ни ким беради? Яратган эгам, албатта! Олма муҳаббат тимсоли. «Олмани отдим отганга, сим қаравотда ётганда» деб бошланувчи халқ қўшиқларининг илдизи теран, улар шунчаки пайдо бўлиб қолмаган. Улуғ Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Дилором муҳаббатини юксак пардаларда куйлаган, мадҳ этган. Уларнинг севиғиси пок севиғи, бундай севиғига эришиш осон эмас. Зотан, барча соҳада, ҳамма замонда эзгуликнинг рўйбега тўсиқлар кўп бўлган. Акмал Нурнинг «Қайс» деган картинаси бор. Унда Қайс – Мажнун мутлақо бошқача талқинда тасвирланган: чўл-у биёбонларда кезиб юрган Мажнун – телба ошиқ эмас, жанговор, ботир, кучли ошиқ мусаввирнинг Қайси. Ёнидаги шеър каби. Асар номи Мажнун эмас, Қайс деб қўйилганда ҳам теран рамзий маъно муҳассам. Бу билан, эҳтимол, унинг қайсарлигига,



ўз сўзидан қайтмаслигига, унда илоҳий бир қудрат борлигига ишора қилингандир... Илоҳият, Оллоҳга илтижо, муножот мусаввир ижодида салмоқли мавзулардан. Бу туйғу баъзи асарларда («Илтижо», «Оламнинг яралиши») бевосита ифодаланган бўлса, бошқаларида зимдан, асарнинг умумий руҳига қизил ип бўлиб ўтади. Зеро, илоҳий қудратни тан олмаслик – гуноҳи азим. «Энг буюқ

ким – Она, энг улуг, энг муқаддас сиймо – Она. Ҳар бир инсон учун ўз онасидан улуг, унданда табаррук зот йўқ! Онани таърифламаган, уни улугламаган, унга бағишлаб асар ёзмаган ижодкор борми? Рассомми, шоирми, ёзувчи ёки бастакорми, хонандами – ҳаммаси онани куйлаган, куйламоқда, куйлайди.

Акмал Нурнинг янги кўрғазмаси «Онаизор» деб номланган. Ниҳоятда тўғри, оқилона танланган ном. Инсон боласи ёши улгайган сари онасини кўпроқ соғинади, эслайди, тез-тез тушларида кўради. Балки шўхликларни босилиб, куйилиб, ақли расо бўлиб, оқ-қорани таниб, ҳаётнинг аччиқ-чуққуларини татиб, силлиқ ва гадири-будур йўллар-у тошлардан ўтиб олгач, онанинг қадрини чуқурроқ англаб етармикан? Лекин, афсуски, кўпинча кеч бўлади, кеч киради бу ақл дегани. Онаизор дунёдан ўтганидан кейин билганида унинг ўрни, қадри. Армонлар, афсуслар босиб келаверади: «Нега онамдан вақтида хабар олмадим? Нега унинг кўнглини кўтарардим бир оғиз ширин сўзни айтолмадим? Нега... нега?» Энди уларнинг бари бефойда. Эҳ, ожиз банд, гофил фарзанд... Тўғри, ҳеч ким онам бир кун вафот этади, кун келиб отам бу дунёдан ўтади, деб ўйла-



Қашқадарё вилояти
Чироқчи тумани Жар қишлоғида яшовчи 72 ёшли Бўстон момо Шукурова тўққиз нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган, бу борадаги фарзини бекам-у кўст бажарган.

Ҳикмат:
Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Алишер НАВОЙИ

Бугун онахоннинг улардан кўнгли тўқ. Бир қарашда онахоннинг армони йўқ. Аммо кўнглида бир илнж – ҳаж зиёратини амалга ошироқ бор эди. Болалари буни билишар, улар ҳам чин дилдан орзу-ният қилишарди. Оила жамулжам бўлган кунларнинг бирида ўғиллар волидаи мухта-

Ҳожи она

қўллаб-қувватлашди. Тезда иш бошланиб кетди. Дастлаб қудратли техникалар йўлга тупроқ тўкиб, чуқурларни тўлдирди. Сўнгра автогрейдерда текисланиб, машина-машина тош тўкилди. Шу тариха беш ярим километр йўл кафтдай текис бўлди. Бугун йўлдан ўтаётган йўловчилар – қишлоқ аҳли онахонни дуо қилмоқда. Улар Бўстон момони Ҳожи она дейишади. Унинг савобли ишини ҳажга бораддек даражага тенглаштиришади. – Ота-онамиз бизга меҳнатсеварликни ўргатишган, – деди онахоннинг

рамага айтишди:
– Эна, сизни ҳажга жўнатмоқчимиз, бунинг учун етарли маблағ йиғдик.
Дилбандлари меҳридан онаизорнинг қалби тўлқинланди, кўнгли тоғдек юксалди, юраги тўлиб-тошди. Бирок... Бироз жимликдан сўнг сўз қотди:
– Болаларим, қилган ишларингиздан бошим осмонга етди. Шу пайтгача гапимни икки қилмагансизлар. Ҳозир дилимдагини айтаман. Унга ҳам рози бўлсангизлар...
– Айтинг, эна, сиз нима десангиз шу, – ўғиллар жавоб беришди.
– Қарши бўлмасангизлар, ҳажга деб йиғилган пулга қишлоғимизнинг йўлини созласан. Унқир-чўнқир, нотеки йўл кўпчиликни қийнапти...
Онасидан доим «Элга яхшилик қилинлар, савоб иш қилинлар» деб тарбия олган болалар бу таклифни

ўғилларидан бири Акмал Ҳайдаров. – Барча ўғиллар ота қасб – механикаторликни танлаганимиз. Деҳқончилик ҳам қиламан. Онамнинг бир оғиз сўзи билан ҳажга йиғилган пулни йўлга ишлатдик.
– Отаси билан тўққиз фарзандни элга қўшдик, – дейди Бўстон момо. – Қирқдан зиёд невара, ўттиздан ортиқ чеварам бор. Яратгандан уларнинг соғлиги, тинчлиги, ризқини сўраб ўтирарман. Илоҳим, Ватанимизга кўз тегмасин!
Айтганингиз келсин, Ҳожи она!
Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Халтар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишигиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТБ «protoka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКДЭ: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-24
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олдинги маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов

Мусаҳҳиш:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Ўша яқини — **21:30**
Топширилди — **23:40**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Ғ — 1117. 27511 нускада босилди. Назор қўрачтинки: 133

1 2 3 4 5 6